

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилмаганлиги ҳамда судланувчининг химояга бўлган ҳуқуқининг бузилиши суд қарорларининг бекор қилинишига асос бўлади

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2003 йил 23 июндаги ҳукмига асосан Б. ва Ж. ЖК 166-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинганлар.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. ва Ж. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

Б. 2003 йил 18 апрель куни соат 04 ларда Ж. ва Д. билан жиноий тил бириктириб, ўзгаларнинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида «Отчопар» бозори яқинидаги автобус бекатига келишган. Шу ерда турган «Икарус» русумли автобус олдида Б. ва Ж. Д.нинг хавфсизлигини таъминлаб туришган, Д. эса автобус салонига чиқиб, автобуснинг олдинги ўриндиғида ўтирган А.нинг қўлидан ичида 650.000 сўм пули бўлган 3.000 сўмлик сумкасини олиб қочган. Б. билан Ж. А.нинг йўлини тўсиб, Д.нинг қочиб кетишига шароит яратишган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан кассация тартибида киритилган протестда суд ҳукмини бекор қилиб, ишни янгидан суд мажлисига кўриш учун юбориш сўралган.

Тошкент шаҳар судининг кассация инстанцияси 2003 йил 2 сентябрда қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарган.

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар суд томонидан синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши зарурлиги назарда тутилган. Бироқ ушбу жиноят иши бўйича қонуннинг бу талабига амал қилинмаган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича Б.нинг шахси суд томонидан батафсил ўрганилмаган. Унинг руҳий жиҳатдан соғлом-носоғломлиги суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш йўли билан текширилмаган.

Б.нинг онаси юқори инстанция идораларига ёзган аризасида ўғли Б. руҳий хасталиги, шу сабабли уйдан чиқиб кетиб, Тошкент шаҳрида яшаб юрганлигини баён этган.

Андижон вилоят руҳий соғлиқни сақлаш маркази диспансерининг 2003 йил 12 августдаги 223-сонли хатида Бекмирзаев 2002 йилда руҳий хасталиги юзасидан диспансерга мурожаат қилганлиги кўрсатилган.

Жиноят иши материалларига қараганда Б. 4-5 йил илгари Андижон вилоятидан Тошкент шаҳрига келиб, у ерда Х. деган аёл билан билан никоҳни расмийлаштирмасдан бирга яшаб келган.

Судда Б.нинг яқин қариндошлари унинг шахси ва руҳий жиҳатлари масаласида сўроқ қилинмаган.

ЖПК 51-моддасида жиноят ишини судда кўриш жараёнида давлат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланган бўлиб, шу кодекснинг 52-моддасида судланувчининг ҳимоячидан воз кечишига фақат унинг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилиши кераклиги назарда тутилган.

Бироқ қайд этилган қонун нормалари талабларига ушбу иш бўйича риоя қилинмаган, Б. ва Ж. судда ҳимоячи билан таъминланмаган. Иш бўйича қатнашиш учун ҳимоячи таклиф қилинмаган.

207-сонли ажрим